



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING

QARORI

№ 02/18-2-2/R-33

“30” август 2024 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги 6096-сон фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 168-сон ва 2023 йил 24 мартдаги 102-сон қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 февралдаги 109-F-сон ва 2024 йил 7 июндаги 319-F/11-сон фармойишларига, “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) акциядорларининг 2024 йил 29 июндаги йиллик умумий йиғилиши қарорига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият устав капитали камайтирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2023 йил 5 майдаги P0148-15-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2024 йил 23 июлдаги 01/04-07-69-сон аризаси;

- Жамият акциядорларининг 2024 йил 29 июндаги йиллик умумий йиғилиши 66-сон баёнидан кўчирма;

- санок комиссияси томонидан 2024 йил 29 июндаги тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги 1-2-сон баёнларидан нусха;

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни (3 нусха);

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамият устав капитали камайтирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2023 йил 5 майдаги P0148-15-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Муқаддам 2023 йил 5 майдаги P0148-15-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан чиқарилган номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 1 452 972 735 000 сўмлик 290 594 547 дона,

шундан 149 016 774 дона оддий ва 141 577 773 дона имтиёзли акциялардан 59 754 115 000 сўмлик 11 950 823 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 1 393 218 620 000 сўмлик 137 065 951 дона оддий ва 141 577 773 дона имтиёзли акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорни тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.


Директорнинг биринчи
ўринбосари



[Handwritten signature]
В. Пак

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон металлургия комбинати”
акциядорлик жамиятининг
Кузатув кенгаши аъзоси




Б.Х. Каримов

“ 29 ” июнь 2024 йил, 66-сон

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги директорининг биринчи
ўринбосари




Б.Ю. Пак
“ 30 ” август 2024 йил, 10/03-сон

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан
2023 йил 5 майда P0148-15-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон
металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг кўшимча акцияларини
чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришларнинг

МАТНИ

Амалдаги тахрир	Янги тахрир
Кўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами: 2023 йил 5 май P0148-15-сон	
Титул варағи	
Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 149 016 774 дона эгасини номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.	Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 137 065 951 дона эгасини номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.
4-банди	
Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 290 594 547 (икки юз тўқсон миллион беш юз тўқсон тўрт минг беш юз қирқ етти) дона, шундан 149 016 774 (бир юз қирқ тўққиз миллион ўн олти минг етти юз етмиш тўрт) дона оддий акциялар ва 141 577 773 (бир юз қирқ бир миллион беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш уч) дона имтиёзли акциялар.	Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 278 643 724 (икки юз етмиш саккиз миллион олти юз қирқ уч минг етти юз йигирма тўрт) дона, шундан 137 065 951 (бир юз ўттиз етти миллион олти беш минг тўққиз юз элик бир) дона оддий акциялар ва 141 577 773 (бир юз қирқ бир миллион беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш уч) дона имтиёзли акциялар.
5-банди	
Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 1 452 972 735 000 (бир триллион тўрт юз элик икки миллиард тўққиз юз етмиш икки миллион етти юз ўттиз беш минг) сўм.	Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 1 393 218 620 000 (бир триллион уч юз тўқсон уч миллиард икки юз ўн саккиз миллион олти юз йигирма минг) сўм.

Эмитент раҳбари

Бош бухгалтер



Р.Х. Пирматов

Б.Б. Эшанхужаев

“ 29 ” июнь 2024 йил